

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

343 Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2472*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августдаги 156-сон «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 317-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилди:**

1. Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 11 июнь,
16-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 11 июнь,
14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил
11 июндаги 16, 14-сон қарорига
ИЛОВА

**Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт
воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун
тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда) ва «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августдаги 156-сон «Ўзбекистон Республикасида авиототранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 317-модда) мувофиқ ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни авиототранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. «А», «В», «С», «D» ва «Е» тоифаларидаги авиототранспорт воситалари ҳамда трамвай ва троллейбус (бундан буён матнда транспорт воситаси деб юритилади) ҳайдовчилари ва ҳайдовчиликка номзодлар, уларнинг соғлиғи транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини аниқлаш мақсадида ушбу Низомда белгиланган тартибда мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтадилар.

2. Ҳайдовчилар, ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатиб ўтилган ҳайдовчилардан ташқари, ҳар икки йилда бир маротаба тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

Тижорат асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ҳар йили ўтади.

3. Ҳайдовчиликка номзодлар тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини олиш учун дастлабки тиббий кўрикдан, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари эса даврий кўрикдан ўтказилади.

4. Транспорт воситаларининг бирон бир тоифасини («А», «В», «С», «D» ва «Е») бошқариш ҳуқуқига ҳамда ушбу тоифа бўйича тиббий кўрикдан ўтиш муддати тугамаган тиббий хулосага эга ва қўйи тоифадаги (мисол учун «А» тоифа «В» тоифага нисбатан қўйи ҳисобланади) транспорт воситаларини бошқаришга номзодлар қўшимча кўрикдан ўтишлари шарт эмас.

5. Ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат даволаш-профилактика муассасалари қошида ташкил этиладиган тиббий ҳайдовчилик комиссиялари (бундан буён матнда тиббий комиссия деб юритилади) томонидан пуллик асосида амалга оширилади.

Қошида тиббий комиссиялар ташкил этиладиган давлат даволаш-профилактика муассасалари ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан белгиланади.

6. Тиббий комиссия қўйдаги таркибда давлат даволаш-профилактика муассасаси раҳбарияти буйруғига асосан ташкил этилади:

терапевт;
жарроҳ;
невропатолог;
офтальмолог;
оториноларинголог;
гинеколог (хотин-қизлар учун);
котиб.

7. Зарур ҳолларда, яъни тиббий комиссия шифокорларининг соҳа йўналишига тегишли бўлмаган касалликлар аниқланганда, тиббий комиссия таркибига бошқа шифокор мутахассиси жалб этилиши мумкин.

8. Тиббий кўрикдан ўтказиш муддати уч календарь кунидан ошмаслиги керак. Мураккаб, қўшимча тиббий текширув талаб этиладиган ҳолатларда ушбу муддат давлат даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан асосланган ҳолда ўн календарь кунигача узайтирилиши мумкин.

9. Тиббий кўрикдан ўтган шахсларга мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома берилади ва ушбу тиббий маълумотномада тиббий кўрик натижалари кўрсатиб ўтилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга рухсат бериш ва уларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом (бундан буён матнда Ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом деб юритилади) талаблари асосида ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун ҳайдовчиликка номзодлар ва ҳайдовчилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбе-

кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг талаблари асосида транспорт воситасини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жараёнида ҳайдовчилар томонидан 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома кўрсатилади.

2-боб. Тиббий кўриқдан ўтиш

11. Тиббий кўриқдан ўтиш учун ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодлар тиббий комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;
3,5 x 4,5 см ўлчамдаги иккита рангли фотосурат;
ҳудудий рухий-асаб ва наркологик диспансерлари маълумотномаси;
тиббий кўриқдан ўтиш учун тўлов қвитанцияси.

12. Тиббий кўриқдан ўтувчи шахсларга тиббий комиссия томонидан алоҳида амбулатор тиббий карта (025/х шакли) расмийлаштирилади ва уларнинг рўйхати юритилади.

13. Тиббий кўриқдан ўтаётган шахслар флюорографик текширувидан, RW кон текширувидан ва қуйидаги мутахассислар кўригидан ўтишлари шарт:

терапевт;
жаррох;
невропотолог;
офтальмолог;
оториноларинголог;
гинеколог (хотин-қизлар учун).

Тиббий кўриқдан ўтаётган 55 ва ундан ортиқ ёшдаги шахслар ЭКГ текширувидан ҳам ўтишлари шарт.

Ўтган бир йил мобайнида флюорографик текширувидан ўтган шахслар қўшимча равишда флюорографик текширувидан ўтишлари талаб этилмайди. Бунда охириги флюорографик текшируви натижалари тақдим этилиши лозим.

14. Ҳайдовчиликка номзодлар ва ҳайдовчилар транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларига ўқишга киришидан бир ой олдин тиббий кўриқдан ўтишлари лозим.

15. Ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 36-бандига мувофиқ агар ҳудудий Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ДЙҲХХ деб юритилади) органлари ёки транспорт ташкилотларидаги мансабдор шахсларда ҳайдовчининг соғлиғига нисбатан шубҳа туғилган бўлса, унга белгиланган муддатдан олдин касбига лаёқати бўйича тиббий кўриқдан қайта ўтиш учун йўлланма берилиши мумкин.

16. Ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандига мувофиқ агар ҳайдовчи касбига лаёқати бўйича тиббий кўриқ-

дан қайта ўтишдан бўйин товласа ёки у тиббий комиссия томонидан транспорт воситаларини бошқаришга нолайиқ деб топилса унга доир ҳужжатлар ҳудудий ДЙҲХХ ходими томонидан, белгиланган тартибда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласини кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилади.

Ҳайдовчини тиббий кўрикдан қайта ўтказиш ҳақида қарор ҳудудий ДЙҲХХ бўлинмаларининг бошлиғи ёки гуруҳларининг катта инспектори, улар бўлмаган тақдирда ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади.

17. Ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 38-бандига мувофиқ транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун маҳрум қилиш муддатидан қатъи назар, мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.

18. Ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 55-бандига мувофиқ тиббий комиссия томонидан қайта текширувдан ўтиш муддати белгиланган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини беришда «Алоҳида белгилар учун» каттагига «Тиббий маълумотнома мажбурий» деган муҳр қўйилади.

19. Тиббий кўрик ўтказилаётган давлат даволаш-профилактика муассасида тиббий кўрикнинг айрим турларини ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда, ҳайдовчи тиббий комиссиянинг қарорига кўра бошқа давлат даволаш-профилактика муассасасига қўшимча тиббий кўрикдан пуллик асосда ўтиш учун юборилиши мумкин. Бунда ҳайдовчига қайси даволаш-профилактика муассасасига бориши, унинг жойлашган манзили аниқ кўрсатилиши лозим.

20. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини тиббий кўрикдан ўтказиш ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ ҳайдовчиларга номзодлар ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда транспорт воситасини бошқаришга умумий тиббий ва қўшимча тиббий монеликлар рўйхатларига (бундан буён матнда тиббий монеликлар рўйхатлари деб юритилади) асосан амалга оширилади.

21. Тиббий кўрик натижалари тиббий комиссия томонидан очилган амбулатор тиббий картага (025/х шакли) киритилади. Унда ҳайдовчининг ёки ҳайдовчиликка номзоднинг соғлиғи ҳолати акс эттирилади ва тиббий комиссиянинг транспорт воситаси бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси кўрсатилади.

22. Тиббий кўрикдан ўтаётган ҳайдовчи ёки ҳайдовчиликка номзод транспорт воситасини бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги хулосани ҳар бир шифокор ўзининг мутахассислиги бўйича тиббий монеликлар рўйхатларига асосланган ҳолда беради.

23. Транспорт воситаларини бошқаришга яроқсиз деб хулоса қабул қилинган тақдирда шифокор ушбу хулосага асос бўлган тиббий монеликлар рўйхатларининг аниқ бандларини кўрсатади.

24. 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома транспорт воситасини бошқаришга яроқлилик тўғрисидаги асосий тиббий ҳужжат бўлиб, тиббий ко-

миссия раиси ва котиби томонидан тўлдирилади ва имзоланади, тегишли давлат даволаш-профилактика муассасаси мухри билан тасдиқланади.

Хайдовчи ва хайдовчиликка номзодлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ҳамда 083/х шаклдаги тиббий маълумотномалар нусхаси даволаш-профилактика муассасаларида 3 йил сақланади.

25. Тиббий монеликлар рўйхатларида белгиланган ҳолларда истисно тариқасида транспорт воситаларини бошқаришга рухсат бериш (индивидуал ёндашув) тиббий комиссиялар томонидан қуйидаги асосларда амалга оширилиши мумкин:

касаллик тури бўйича ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаси (бўлими) ҳулосаси асосида;

протез меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари протез устахоналарида назорат кўригидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида (ихтисослаштирилган (қўл билан бошқариладиган) ёки автоматик узатмалар қутисига эга бўлган автотранспорт воситаларини бошқаришга рухсат этилаётган чап оёғи тўлиқ ёки қисман ампутация қилинган шахсларга).

26. Истисно тариқасида рухсат берилган тақдирда тиббий комиссия ҳулосаси 083/х шаклдаги тиббий маълумотномага «индивидуал ёндашув асосида рухсат этилган» деган ёзув киритилади.

27. Истисно тариқасида автотранспорт воситаларини бошқаришга рухсат берилаётган шахсларга рухсат этилган тўла вазни 3500 килограммдан ортиқ бўлган, махсус товушли ва ёруғлик сигналлари билан жиҳозланган, ёки хавфли юкларни, шунингдек йўловчи ташишга мўлжалланган, хайдовчи ўриндигидан ташқари ўриндиқлар сони саккизтадан ортиқ бўлган автомобилларни бошқариш тақиқланади.

3-боб. Тиббий комиссиялар томонидан бериладиган ҳужжатлар

28. Транспорт воситаларини бошқаришга яроқли деб топилган шахсларга мувофиқ 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома берилади. Маълумотнома бланки матни лотин ёки кирилл ёзувига асосланган ҳарфларда полиграфик усулда рақамланган ва ҳимоя даражаларга эга бўлган қоғозда чоп этилади.

29. Кўзойнак ёки эшитиш аппарати билан транспорт воситаларини бошқаришга яроқли деб топилганда тиббий маълумотноманинг «алоҳида белгилар» сўзларидан сўнг «кўзойнак (контакт линза) тақиш мажбурий» ёки «эшитиш аппарати мажбурий» деган белги қўйилади.

30. 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома унда кўрсатиб ўтилган муддатгача амал қилади.

31. 083/х шаклдаги тиббий хайдовчилик маълумотномасини йўқотган шахсларга уларнинг мурожаатларига асосан маълумотноманинг дубликати берилади. Ушбу дубликат асосий маълумотноманинг қолган кўрсатилган муддатигача берилади ва унга «дубликат» белгиси қўйилади.

32. Хайдовчиликка номзод ёки хайдовчи тиббий комиссия томонидан тиббий кўрик натижалари бўйича транспорт воситасини бирон бир тоифасини ёки умуман транспорт воситаларини бошқаришга нолойиқ деб топилган тақдирда унга бериладиган 083/х шаклдаги тиббий маълумотномада ушбу ҳақида тегишли белги қўйилади.

4-боб. Тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича жавобгарлик ва низоларни ҳал қилиш

33. Тиббий кўриқнинг сифатли ўтказилишига тиббий кўриқдан ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари жавобгар ҳисобланади.

34. Тиббий кўриқ натижалари юзасидан норозиликлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

35. Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

36. Ушбу Низомнинг талабларини бузган айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

37. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАЙИТОВ

2013 йил 5 июнь

*Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2013 йил 5 июнь

Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ҳайдовчиларга номзодлар ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда транспорт воситасини бошқаришга умумий тиббий монеликлар РЎЙХАТИ

1. Организм фаолиятининг турғун бузилишлари билан ифодаланган ривожланишнинг туғма нуқсонлари, деформациялари, ирсий аномалиялар.

2. Марказий ва периферик асаб тизими, ички аъзолар, суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқиманинг ташқи омиллар (жароҳатлар, нурланиш, термик, кимёвий ва бошқалар) таъсирида келиб чиқадиган орган ва тизимлар функциясининг яққол даражадаги бузилишларига олиб келган орқага қайтариб бўлмайдиган оқибатлари.

3. Яққол даражадаги ҳаракатланиш ва сезиш, когнитив ва мнестик-интеллектуал, координация ва статик бузилишлари билан кечадиган марказий асаб тизимининг турли этиологияли касалликлари.

4. Нарколепсия.

5. Катаплексия.

6. Эс-хушнинг бузилишлари билан кечадиган касалликлар: турли этиологиядаги эпилепсия ва эпилептик синдромлар, турли этиологиядаги синкопал синдромлар ва бошқалар, шу жумладан, рефлексор хушдан кетиш ҳолатларидан ташқари ремиссия даврининг давомийлигидан қатъи назар, ремиссияда бўлганлар.

7. Рухий-асаб касалликлари диспансерларида динамик кузатув остида бўлишлари шарт бўлган оғир, турғун ёки тез-тез ўткирлашиб турадиган рухий касалликлар. Қайфият бузилишининг яққол ифодаланган шакллари, стресс билан боғлиқ невротик, соматоформ, хулқ-атворнинг бузилишлари ва шахс бузилишлари ҳолатларида руҳсат бериш масаласи яқка тартибда (индивидуал равишда) тиббий комиссия томонидан қўшимча жалб этилган шифокор мутахассис иштирокида ҳал қилинади.

8. Алкоголизм.

9. Токсикомания.

10. Наркомания.

11. Инсон организми фаолиятининг мўътадил ва кескин ўзгаришлари билан кечадиган эндокрин тизими касалликлари.

12. Барча локализациялардаги хавфли ўсмалар. Даволаш муолажалари ўтказилгандан кейинги ҳолатни баҳолаш яқка тартибда тиббий комиссия томонидан қўшимча жалб этилган шифокор мутахассис иштирокида ҳал қилинади.

13. Авж олиши билан ва рецидивловчи кечадиган қон ва қон ҳосил

қилувчи аъзолари касалликлари (гемобластоз, яққол даражадаги гемолитик ва апластик камқонлик, геморрагик диатез ва бошқалар).

14. Қон айланиши етишмовчилигининг II ва ундан юқори даражаси ва (ёки) зўриқиш стенокардияси II ва ундан юқори функционал синф билан кечадиган юрак-томир тизими касалликлари; гипертония касаллигининг III босқичи ёки III даражаси; юракда жарроҳлик аралашувидан кейинги қон айланиши етишмовчилигининг турли даражадаги ҳолатлари; юқори градацияли юрак аритмиялари ва блокадалари, миокард инфарктидан кейинги қон айланиши етишмовчилигининг II ва ундан юқори даражаси, юрак аневризмаси.

15. Аорта ва артерияларнинг барча бўлимларининг аневризмаси.

16. 50% ва ундан юқори окклюзия ёки қон айланишининг яққол даражали бузилиши билан кечувчи облитерацияловчи атеросклероз, тромбоангит, аортоартериит.

17. III-IV даражали сурункали веноз қон-томир етишмовчилиги билан асоратланган оёқларнинг варикоз ва тромбофлебит касаллиги.

18. Лимфангиит ва лимфа оқимининг III-IV даражали бузилиши.

19. Ревматизм: ўткир ревматик иситма ҳамда II ва ундан юқори даражали сурункали юрак етишмовчилиги билан асоратланиши.

20. Бронх-ўпка тизими касалликларининг асорати: ўпка-юрак ва нафас етишмовчилиги II-III даражаси.

21. Ўпка силининг очиқ ва деструктив шакллари ҳамда ўпка билан боғлиқ бўлмаган силнинг бактерия ташувчилик билан кечадиган турлари.

22. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигининг асоратланиб ва сурункали (рецидивловчи, яъни календарь йилда 3 марта ва ундан кўпроқ) кечиши ва асоратининг ривожланиши.

23. II-III даражали жигар етишмовчилиги ёки портал гипертензияси билан асоратланган гепатитлар ва жигар циррозлари.

24. Сурункали буйрак етишмовчилигининг II ва ундан юқори даражаси билан асоратланган буйрак ва сийдик айириш йўллариининг сурункали касалликлари.

25. Крон касаллиги ва носпецифик ярали колитнинг оғир кечиши.

26. Организм фаолиятининг III ва ундан юқори даражадаги бузилишига олиб келувчи бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари ва тизимли васкулитлар.

27. Периферик асаб тизимининг сурункали касалликлари ва асаб-мушак тизими фаолиятининг яққол бузилиши билан кечадиган касалликлар.

28. Таянч-ҳаракат тизими фаолиятининг II ва ундан юқори даражали бузилиши билан кечадиган сурункали касалликлар.

29. Юқумли ва паразитар касалликларининг сурункали ва рецидив шакллари, даволаниши қийин ёки самарасиз кечадиган ҳолатлардаги поствакцинал асоратларнинг клиник шакллари.

30. Барча даража ва босқичдаги глаукома.

Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ҳайдовчиларга номзодлар ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда транспорт воситасини бошқаришга қўшимча тиббий монеликлар РЎЙХАТИ

Ҳайдовчилик тоифалари	Тиббий монеликлар
«А» тоифа	<p>1. Кўриш ўткирлиги коррекция билан 0,6 дан паст яхши кўрадиган кўзда, 0,2 дан паст ёмонроқ кўрадиган кўзда. Рухсат этиладиган коррекция миопия ва гиперметропия учун 8,0 D, шу жумладан контактли линзалар билан, астигматизмда — 3,0 D (сфера ва цилиндрнинг йиғиндиси 8,0 D-дан ошмаслиги керак). Икки кўздаги линзалар кучининг фарқи 3,0 D-дан ошмаслиги керак.</p> <p>2. Шох парданинг рефракцион жарроҳлик амалиётларидан сўнгги (кератотомия, кератомилез, кератокоагуляция, рефракцион кератопластика) 3 ойгача даври ёки асоратлари мавжуд ва рефракция +8,0 D дан –8,0 D гача ошган ҳолат.</p> <p>3. Кўриш фаолиятининг жиддий бузилишлари билан кузатиладиган кўз пардасининг сурункали касалликлари, қовоқларнинг турғун ўзгаришлари, шу жумладан, уларнинг шиллиқ пардалари, кўриш ва кўз олмасининг ҳаракатини чекловчи қовоқ мушакларининг парезлари.</p> <p>4. Жарроҳлик йўли билан баргараф қилиб бўлмайдиган кўз ёшланиши.</p> <p>5. Паралитик ғилайлик ва кўзларнинг ҳамжиҳат ҳаракатларининг бошқа бузилишлари.</p> <p>6. Турли этиологияли ғилайлик натижасида келиб чиққан турғун диплопия.</p> <p>7. Спонтан нистагм.</p> <p>8. Ҳар қандай меридиандаги кўриш майдонининг 20 градусдан кўпга чекланиши.</p> <p>9. Ранг ажратиш бузилишлари (монохромазия, дихромазия, протанопия, дейтеранопия).</p> <p>10. Тўр парда ва кўриш нервининг дегенератив ва дистрофик касалликлари (пигментли ретинит, кўриш нервининг атрофияси, тўр парданинг кўчиши).</p> <p>11. Бир қўл кафти ёки оёқ панжасининг йўқлиги, шунингдек ҳаракатнинг жиддий қийинлашувига олиб келувчи қўл кафти ва оёқ панжасининг деформацияси.</p> <p>12. Қўл бармоқлари ёки фалангаларнинг йўқлиги, шунингдек қўлдаги фалангалараро бўғимларнинг ҳаракатсизлиги: ўнг ёки чап қўл бош бармоғининг икки фалангасини йўқлиги; ўнг қўлдаги иккита ёки ундан ортиқ бармоқлар йўқлиги ёки ҳаракатсизлиги, ёки бир бармоқда бўлса ҳам тўлиқ букланиб тиришиш. чап қўлдаги учта ёки ундан ортиқ бармоқлар йўқлиги ёки ҳаракатсизлиги, ёки бир бармоқда бўлса ҳам тўлиқ букланиб тиришиш.</p>

Хайдовчилик тоифалари	Тиббий монеликлар
	<p>13. Оёқларнинг 6 см ва ундан ортиқроқ калталаниши. Оёқнинг узунлиги 75 см дан ортиқроқ (товон суягидан сон суяги катта кўстининг ўртасигача) бўлса, оёқ суяклари, юмшоқ тўқималари ва бўғимларида дефектлар мавжуд бўлмаса ва ҳаракатлар ҳажми сақланган бўлса текширилувчилар яроқли деб ҳисобланиши мумкин.</p> <p>14. Яққол неврологик симптоматикаси билан кечадиган калла суякларининг травматик деформациялари ва дефектлари.</p> <p>15. Бир кулоқнинг тўлиқ қарлиги, иккинчи кулоқнинг сўзлашув нутқини 3 метрдан кам масофада, пичирлаш нутқини 1 метр масофада қабул қилиши ҳолатларида, ёки сўзлашув нутқини ҳар бир кулоқда 2 метрдан кам бўлган масофада қабул қилиши.</p> <p>16. Холестеатома, грануляция ёки полип (эпитимпанит) билан асоратланган ўрта кулоқнинг бир томонлама ёки икки томонлама сурункали йирингли яллиғланиши. Фистула симптомининг мавжудлиги.</p> <p>17. Сурункали йирингли мастоидит, мастоидэктомиядан кейинги асоратлар (киста, оқма яра).</p> <p>18. Вестибуляр анализатори фаолиятини бузилишига олиб келувчи турли этиологиядаги касалликлар, бош айланиши синдроми, нистагм (Меньер касаллиги, лабиринтитлар, турли этиологиядаги вестибуляр кризлар ва бошқалар).</p> <p>19. Бачадон ва қиннинг тушиши, ректовагинал ва қовуқ-қин оқма яралари, тўғри ичак сфинктери бутунлигининг бузилиши, мояк ёки уруғ тизимчасининг истисқоси, ҳаракатни чегараловчи чурралар.</p>
«В» тоифа	<p>1. Кўриш ўткирлиги коррекция билан 0,6 дан паст яхши кўрадиган кўзда, 0,2 дан паст ёмонроқ кўрадиган кўзда. Такси ҳайдовчилари ва оператив хизмат транспорт воситалари ҳайдовчилари (тез тиббий ёрдам, ёнгин хавфсизлиги, милиция, авария-қутқарув хизмати, ҳарбий автомобиль нозири) учун кўриш ўткирлиги коррекция билан 0,8 дан паст бир кўзда, иккинчи кўзда 0,4 дан паст. Рухсат этиладиган коррекция миопия ва гиперметропия учун 8,0 D, шу жумладан контактли линзалар билан, астигматизмда — 3,0 D (сфера ва цилиндрнинг йиғиндиси 8,0 D-дан ошмаслиги керак). Икки кўздаги линзалар кучининг фарқи 3,0 D-дан ошмаслиги керак.</p> <p>2. «А» тоифанинг 2 — 19-бандларига қаралсин.</p> <p>3. 150 см дан паст бўлган бўй.</p>
«С» тоифа	<p>1. Кўриш ўткирлиги коррекция билан 0,8 дан паст яхши кўрадиган кўзда, 0,4 дан паст ёмонроқ кўрадиган кўзда. Рухсат этиладиган коррекция миопия ва гиперметропия учун 8,0 D, шу жумладан контактли линзалар билан, астигматизмда — 3,0 D (сфера ва цилиндрнинг йиғиндиси 8,0 D-дан ошмаслиги керак). Икки кўздаги линзалар кучининг фарқи 3,0 D-дан ошмаслиги керак.</p> <p>2. «А» тоифанинг 2 — 19-бандларига қаралсин.</p> <p>3. 160 см дан паст бўлган бўй.</p> <p>4. Умумий жисмоний ривожланиши паст.</p>
«D» тоифа	<p>1. «С» тоифанинг 1 — 4-бандларига қаралсин.</p> <p>2. Йўловчи транспорти учун — нутқ бузилишлари ва логоневроз (дудуқланиш)нинг оғир шакллари.</p>
«E» тоифа	<p>1. Тиркама уланадиган «В», «С» ёки «D» тоифали транспортга тааллуқли тиббий монеликлар.</p> <p>2. Оёқларнинг бирининг 6 см ва ундан ортиқроқ калталаниши.</p>
Трамвай, троллейбус бошқариш	<p>1. «С» тоифанинг 1 — 4-бандларига қаралсин.</p> <p>2. Юрак ритмининг сунъий имплантант бошқаруви.</p>

Хайдовчилик тоифалари	Тиббий монеликлар
Конструктив тавсифлар бўйича белгиланган транспорт воситаларини бошқариш монеликлари (ногиронлар учун қўл билан бошқариладиган автомобиль ва мотоаравачалар)	<p>1. «А» тоифанинг 1 — 10-бандларига қаралсин.</p> <p>2. Бир қўл кафти ёки оёқ панжасининг йўқлиги, шунингдек ҳаракатнинг жиддий қийинлашувига олиб келувчи қўл кафти ва оёқ панжасининг деформацияси (транспорт воситасига тегишли конструктив мосламалар ўрнатилган ҳолатлар бундан истисно).</p> <p>3. Қўл бармоқлари ёки фалангаларнинг йўқлиги, шунингдек қўлдаги фалангалараро бўғимларнинг ҳаракатсизлиги: ўнг ёки чап қўл бош бармоғининг икки фалангасининг йўқлиги; ўнг қўлдаги иккита ёки ундан ортиқ бармоқлар йўқлиги ёки ҳаракатсизлиги, ёки бир бармоқда бўлса ҳам тўлиқ букланиб тиришиш. чап қўлдаги учта ёки ундан ортиқ бармоқлар йўқлиги ёки ҳаракатсизлиги, ёки бир бармоқда бўлса ҳам тўлиқ букланиб тиришиш (кафт кучи ва ушлаб олиш фаолияти сақланган ҳолатлар бундан истисно).</p> <p>4. «А» тоифанинг 14 — 19-бандларига қаралсин.</p>

Хайдовчи ва хайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

формат А-5

083/х шаклдаги тиббий
маълумотнома

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

(муассаса номи)

**Хайдовчининг (хайдовчиликка номзоднинг)
тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

Фамилияси _____
 Исми _____
 Отасининг исми _____
 Туғилган санаси ва ёши _____
 Яшаш жойи _____
 Иш жойи _____
 Тиббий кўрикдан ўтказиш санаси 20__ йил «____» _____


**Тиббий кўрик натижалари бўйича
ХУЛОСА**

1. «А» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
2. «В» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
3. «С» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
4. «D» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
5. «Е» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
6. Трамвай бошқаришга _____.
7. Троллейбус бошқаришга _____.
8. Ёлланиб ишлашга _____.
9. Алоҳида белгилар _____

_____.

Ушбу маълумотномани амал қилиш муддати

20____ йил «____» _____гача.



3,5 x 4,5 расм

М.Ў.

Комиссия раиси _____
(Ф.И.О.) (имзо)

Котиб _____
(Ф.И.О.) (имзо)

* Хулосанинг 1 — 8-бандлари тўғрисиغا яроқли ёки яроқсиз деган белги қўйилади.